

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАНОВ ҚОСИМ ЭРДАНОВИЧ

**ЭХИНОКОККОЗ ХИРУРГИЯСИ ВА ХИМИОТЕРАПИЯСИ
АСПЕКТЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Рахманов Қосим Эрданович

Эхинококкоз хирургияси ва химиотерапияси аспектлари..... 3

Рахманов Косим Эрданович

Аспекты хирургии и химиотерапии эхинококкоза..... 31

Rakhmanov Kosim Erdanovich

Aspects of surgery and chemotherapy of echinococcosis..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 65

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАНОВ ҚОСИМ ЭРДАНОВИЧ

**ЭХИНОКОККОЗ ХИРУРГИЯСИ ВА ХИМИОТЕРАПИЯСИ
АСПЕКТЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.DSc/Tib521 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.emerg-centre.uz) ва «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий консультант

Курбаниязов Зафаржон

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Сафоев Бакодир Барноевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бюлент Юнал

тиббиёт фанлари доктори, профессор (Туркия)

Акбаров Миршавкат Миролимович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Смоленск давлат тиббиёт университети

(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 200118, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох, кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhmi@mail.ru

Диссертация билан Бухоро Давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50;

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...маълум бир вақтда дунёда 1 миллиондан ортиқ одам эхинококкоз билан касалланади...»¹. Беморлар сонининг камайиши тенденцияси кузатилмаётгани ва эндемик минтақалар мавжудлиги туфайли касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига 1,2 дан 9,0 гача тўғри келади, бу паразитар касаллик жиддий тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Замонавий босқичда эхинококкозни ташхислаш сезиларли қийинчиликларни келтириб чиқармайди, бу эса, асосан, комплекс қўлланилганда, маълумот даражаси 95-100% ни ташкил этувчи инвазив бўлмаган визуализация усуллариининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бирок, эхинококкозга нисбатан хушёрликнинг йўқлиги кеч ташхис қўйишга ва натижада касалликнинг асоратланган шакллари кўпайишига олиб келади. Шу билан бирга, қорин бўшлиғи ва кўкрак қафасининг эхинококкозини даволаш жиддий жарроҳлик муаммоси ҳисобланади. Кўпчилик ҳолларда (90,6%) амалга ошириладиган операциянинг энг кенг тарқалган усули бу қолдик бўшлиқни йўқ қилишнинг турли хил вариантлари билан эхинококкэктомия бўлиб қолмоқда. Бунинг натижасида, беморлар орасида операциядан кейинги ўлим кўрсаткичи ўртача 2,2% ни ташкил қилади, операциядан кейинги касаллик қайталаниши эса 3-54% ҳолларда кузатилади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ушбу хавфли касалликни олдини олиш ва даволаш бўйича маълум усуллари такомиллаштириш ва янги самарали чораларни ишлаб чиқиш зарурати аён бўлади.

Жаҳон амалиётида касалликнинг кечишини баҳолашнинг морфо-функционал мезонларини ўрганишга қаратилган бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: гепатоцитлардаги морфо-функционал ўзгаришларга эхинококк паразитининг таъсирини ўрганиш, унинг даражаси кичик бузилишлардан тортиб циррозгача бўлиши мумкин. Метоцестодаларнинг мураккаб ҳимоя реакциясини ўрганиш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда, бунда паразит яшайдиган орган хужайинида мақсадли иммун жавоб ўзгаришлар ва уларнинг элиминациясига тўсқинлик қилади, шунингдек иммуномодуловчи молекулалар ишлаб чиқиш йўли билан паразит иммун тизим таъсирини камайтиради ва бунинг натижасида комплемент тизими фаоллигида тўсиқлар ҳосил қилади, яъни лейкоцитлар вазифасини ўзгартиради ёки молекуляр мимикрия феноменини қўллайди. Иқлимий, жуғрофий, ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитларни ўрганиш, биринчи навбатда, эпизотик жараёнларнинг зичлик даражаларига эга бўлган зооноз марказларни шакллантиришга қаратилган масалалар ўта долзарб ҳисобланиб, эхинококкоз касаллиги бўлган инсонларнинг ушбу хавф омиллари билан ўзаро тўғридан-тўғри боғлиқлиги бўлади.

¹ <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs377/ru/>

Айни пайтда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда, хусусан, қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси эхинококкозини жарроҳлик йўли билан даволаш сифатини оширишда ижобий натижаларга эришилмоқда. Шу билан бирга, тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш учун кистоз паразитар касалликларни олдини олиш, метафилактикаси ва даволаш усулларининг самарадорлигини баҳолаш учун илмий асосланган натижаларни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 25-апрелдаги «Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини янада яқинлаштириш ва тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-215-сон Фармонида аҳолига кўрсатиладиган бирламчи тиббий-санитария ёрдами сифатини ошириш бўйича вазифалар белгиланган¹. Бу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш, касалликнинг қайталанишини камаййтиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш орқали эхинококкозни даволаш сифатини ошириш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 16-июндаги «Аҳолига шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-283-сон қарори билан тасдиқланган вазифалар ижросига маълум даражада хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021-йил 26-июлдаги ПҚ-5198-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 30-сентябрдаги 832-сон қарори; 2019-йил «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети томонидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Эхинококкоз билан оғриган беморларни жарроҳлик даволаш соҳасидаги илмий ва амалий тадқиқотлар дунёнинг кўплаб етакчи тадқиқот марказлари, лойиҳалар, ОТМ лари томонидан олиб борилган, жумладан СНГ мамлакатлари гепатопанкреатобилиар жарроҳлар Ассоциацияси, ДБМ «И.И.Джанелидзе номидаги Санкт-Петербург тез тиббий ёрдам илмий-тадқиқот институти» (РФ), А.В. Вишневский номидаги Миллий тиббиёт

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

жарроҳлик илмий-тадқиқот маркази» (РФ), Academic Medical Center University of Amsterdam, Maastricht University Medical Center (Нидерландия), State University of New York (АҚШ), West Wales General Hospital (Буюк Британия), The University of Auckland (Янги Зеландия), Medanta Hospital (Ҳиндистон).

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари етакчи илмий марказлари ва олий ўқув йилларида бажарилган илмий-тадқиқот ишлар натижалари таҳлили ушбу муаммонинг юқори даражада долзарблиги ва иқтисодий аҳамиятлилигини кўрсатган. Касалликнинг юқори даражада тарқалиши, айниқса, энг меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамлар орасида, жарроҳликдан кейинги асоратларнинг юқори частотаси, натижада беморларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатади, қорин бўшлиғи аъзолари ва кўкрак қафаси аъзолари эхинококкози муаммосининг долзарблиги ва аҳамияти кўрсатилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эхинококкозга бағишланган илмий ишлар ўрганилаётган масалаларга тизимли ёндашиш билан ажралиб туради. АҚШ, Италия, Буюк Британия, Туркия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Хитой, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясидан келган олим-мутахассисларнинг ишлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

Адабиётларда эхинококкознинг инфекцияси ва патогенези етарлича ўрганилмаган, даволашнинг янги самарали жарроҳлик усуллари ва касалликнинг олдини олиш усуллари излаш фаол давом этмоқда. (Bristow V.N., 2012; Nakverdi S., 2018; Ураков Ш.Т., 2020; Шевченко Ю.Л., Назиров Ф.Г., 2016). Сўнгги йилларда эхинококк кисталарини даволашнинг эндовидеожарроҳлик усуллари фаол ривожланмоқда (Каримов Ш.И., 2007; Салимов Ш.Т., 2015). Бироқ, ушбу усулни қўллаш билан боғлиқ кўплаб масалалар ҳали ривожланиш босқичида. Эхинококкозни жарроҳлик йўли билан даволашга бағишланган кўплаб ишларга қарамай (Акбаров М.М., 2020; Сафоев Б.Б., 2020; Хакимов М.Ш. и соавт., 2023; Шамсиев А.М., 2023), бугунги кунга қадар касаллик қайталанишини олдини олишда сезиларли ютуқларга эришилмаган (John Prousalidis; 2022). Замонавий адабиётларда рецидив тушунчаси, сабаблари, шакли ва табиати таърифи бўйича ягона фикрга эришилмаган, операция вақтида фиброз капсула деворинига ишлов бериш саволлари юзасидан ягона консесус мавжуд эмас, резидуал кисталарнинг аҳамиятига жуда кам эътибор берилган, шифокорлар томонидан антипаразитик дорилар хавфсизлиги бўйича хушёрлик сақланиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот режаларининг «Эхинококкоз билан оғриган беморларни ташхислаш ва хирургик даволашда такомиллаштирилган усулларни ишлаб чиқиш» мавзуси (2019-2022йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш ва касаллик қайталанишини камайтиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш орқали эхинококкозни даволаш сифатини оширишдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эхинококк бошланғич элементларининг фиброз капсула билан морфологик хусуситларини ўзаро таъсири ва уларга гермицид воситаларининг таъсирини ўрганиш;

жигар эхинококкозидаги турли миқдордаги альбендазолнинг таъсир самарадорлигини тажрибада қиёсий баҳолаш;

жигар ва ўпка эхинококкозини жарроҳлик даволашда топик мини-лапаротомия ва мини-торакотомия усуллари ишлаб чиқиш ва самарадорлигини ўрганиш, улардан фойдаланишга кўрсатмалар ва аниқликларни белгилаш, мини ёндашувларнинг радикаллигини оширишга қаратилган янги техник ечимларни таклиф этиш;

мини-кесма билан операция майдонини ошириш учун мини-лапаротомия ва мини-торакотомия ёндашувлари учун модифицирланган жарроҳлик асбобини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш, операциядан кейинги бевосита ва узоқ муддатдаги натижаларни яхшилаш мақсадида жигар ва ўпкадан очиқ усулда эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқни бартараф этиш усуллари ва махсус асбобларни ишлаб чиқиш;

фиброз капсулани олиб ташлашда кавитацион ультратовушли диссектор аспиратор самарадорлигини баҳолаш, шунингдек радикал эхинококкэктомиядан сўнг аъзо жароҳатланган юзасини сколексоцид ишлов бериш усулини асослаш ва ишлаб чиқиш;

ноъжўя таъсир частотаси жиҳатидан операциядан сўнгги кимётерапияда альбендазол миқдори коррекция самарадорлигини ўрганиш;

эхинококкозда тавсия этилган хирургик даво ва касаллик қайталанишини олдини олиш бўйича комплекс ёндашувни қўллаш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникасида 2005 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда 638 нафар қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзолари эхинококкози бўлган беморлар олинган. Морфологик тадқиқотлар академик В.Вахидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази базасида гистологик текширувлар бажарилган.

Тадқиқот предмети эхинококкоз билан оғриган беморларни жарроҳлик даволаш натижалари, албендазолнинг турли дозаларини қўллаш фонидида экспериментал ҳайвонлар аъзолари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги текширувлар фойдаланилди: умумий клиник, инструментал (ультратовуш, эндоскопик, нурли текширув усуллари), морфологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тажрибада жигарда бирламчи доминант эхинококк кистасидан узоқ тўқималарда рақобатбардош бўлмаган, микроскопик

идентификацияланадиган бошланғич микрокисталар аниқланиши мумкин, ўпкада эса макрокистадан узок жойлашган тўқималарда микрокисталар аниқланмайди, аниқланган ҳолда эса макрокистанинг доминантлик қилиш белгилари йўқ ва микрокисталар ўсиш қобилятига эга эканлиги исботланган;

фиброз капсуланинг морфологик структураси ўрганилган, унинг қатламида эхинококкоз бирламчи локализациясининг қайталанишига олиб келиши мумкин бўлган яшовчан протосколекслар аниқланган ва эхинококкоз асоратланган шакллари фиброз капсуласи морфологиясини ўрганиш асосида хирургик даво тактик – техник аспектилари такомиллаштирилган;

жигар ва ўпка эхинококкозини жарроҳлик даволашда топик мини-лапаротомия ва мини-торакотомия кесими билан эхинококкэктомия бажариш учун балли баҳолаш тизими ишлаб чиқилган ва самарадорлиги ўрганилган;

жарроҳлик асбоблари такомиллаштирилган - экспозицияни яхшилаш ва операция жараёнини қулай бажариш мақсадида минилапаротом ва миниторакотом кесимлар учун «Ярани кенгайтирувчи асбоб» модификация қилинган, атроф тўқималарининг насл элементлари билан тарқалиш хавфини камайтириш мақсадида эхинококк кистасининг таркибини хавфсиз равишда эвакуация қилиш учун «Жарроҳлик қисқичи» асбоби, пункция учун игна модифицирланган, шунингдек сафро оқиши, сафроли перитонит каби операциядан кейинги бевосита қониқарсиз натижаларни олдини олиш мақсадида «Жигардан эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқда яширин сафро оқмаларини аниқлаш усули» ишлаб чиқилган;

радикал эхинококкэктомияда кавитацион ультратовуш диссектор аспираторни қўллаш орқали операциядан кейинги бевосита ва узок даврдаги самарадор натижаларга эришилиши исботланган;

операциядан кейинги даврда қолдиқ бўшлиқ йиринглаши ва унда суюқлик йиғилишини олдини олиш, чоклар орасида герметикликни бўшлиқни тўлдириш билан ошириш мақсадида «Жигардан эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқни бартараф қилиш усули» такомиллаштирилган, бронхоплеврал алоқани олдини олиш ва адекват гермитизацияга эришиш мақсадида ўпкадан эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқни бартараф этиш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

касаллик кечиши оғирлигини баҳолайдиган баллар билан даволаш тактикасини танлашда таклиф этилган алгоритмни ҳисобга олиб минилапаротом ва миниторакотом кесимлардан эхинококкэктомия бажариш учун кўрсатмалар аниқланган;

бирламчи ва рецидив эхинококкоз асоратланган шаклларида фиброз капсулани олиб ташлаш билан радикал эхинококкэктомия учун кавитацион ультратовушли диссектор аспиратор амалиётга татбиқ этилиши орқали операция натижалари яхшиланди ва операциядан кейинги реабилитация даври қисқарган;

кесим танлашга комплекс ёндашув, қолдиқ бўшлиққа ишлов бериш ва бартараф этиш усулини, шунингдек профилактик кимётерапияни ҳисобга

олган ҳолда қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзолари эхинококкози хирургик даво тактикасини танлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

тавсия этилган асбобларни қўллаш йўли билан эхинококк кистаси таркибини эвакуация қилиш усули такомиллаштирилди – пункция учун такомиллаштирилган игна ва қорин бўшлиғига тарқалишини ва бузилиши хавфсиз қиз пуфакчалар ва паразит фрагментларини герметик ушлаши мумкин бўлган жарроҳлик қисқичи таклиф этилган;

ишлаб чиқилган асбоб ёрдамида эхинококкэктомиядан сўнгги қолдиқ бўшлиқда яширин сафро оқмаларини аниқлаш усули амалиётга татбиқ этилган;

жигар эхинококкозининг қайталанишининг олдини олишда, токсик реакцияларда ёки жигар диффуз касалликлари фонида альбендазолни тавсия этилган миқдорини камайтириш имконияти тажрибада аниқланган;

беморларнинг жисмоний, рухий ва ижтимоий кундалиқ фаолиятига таъсир этувчи асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда, жигар эхинококкэктомияси бажарилган беморларнинг ҳаёт сифати даражасини баҳолаш учун шкала такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги муҳокама қилинган муаммоларни ҳал этиш усуллари қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзолари эхинококкози бўлган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик усулида даволашда замонавий илмий ва амалий ғоялар ва ёндашувларга асосланган. Тадқиқот натижалари статистиканинг замонавий усуллари, масалан, Стюдент мезонлари ва ишончлилик интерваллари, ишончлилик эҳтимоли ҳисобга олинган ўзгарувчан таҳлиллар ёрдамида олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, олинган хулоса ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзолари эхинококкози бўлган беморларни даволашда замонавий ёндашувларнинг ишлаб чиқишга ҳисса қўшган. Фиброз капсуланинг морфологик структураси ўрганилган, унинг қатламида эхинококкоз бирламчи локализациясининг қайталанишига олиб келиши мумкин бўлган яшовчан протосколекслар аниқланган. Эхинококкоз асоратланган шакллари фиброз капсуласи морфологиясини ўрганиш асосида хирургик даво тактик – техник аспектлари такомиллаштирилган. Экспозицияни яхшилаш ва операция жараёнини қулай бажариш мақсадида миналапаротом ва миниторакотом кесимлар учун жароҳатни кенгайтирадиган асбоб модификация қилинган. Радикал эхинококкэктомияда кавитацион ультратовуш диссектор аспираторни қўллаш орқали операциядан кейинги бевосита ва узоқ даврдаги самарадор натижаларга эришилиши исботланган. Жарроҳлик асбоблари такомиллаштирилди - атроф тўқималарининг насл элементлари билан тарқалиш хавфини камайтириш мақсадида эхинококк кистасининг таркибини хавфсиз равишда эвакуация қилиш учун «жарроҳлик қисқичи» асбоби, пункция учун игна модифицирланган, шунингдек сафро оқиши, сафроли

перитонит каби операциядан кейинги бевосита қониқарсиз натижаларни олдини олиш мақсадида жигардан эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқдаги яширин сафро оқмаларини аниқлаш мақсадида асбоб ишлаб чиқилган. Операциядан кейинги даврда қолдиқ бўшлиқ йиринглаши ва унда суюқлик йиғилишини олдини олиш, чоклар орасида герметикликни бўшлиқни тўлдириш билан ошириш мақсадида жигардан эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқни бартараф этиш усули такомиллаштирилган. Бронхоплеврал алоқани олдини олиш ва адекват гермитизацияга эришиш мақсадида ўпкадан эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқни бартараф этиш усули такомиллаштирилганлиги билан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шунинг билан аниқланадики, ишдаги асосий хулосалар ва тавсияларнинг турли даражадаги тиббиёт муассасаларида қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзолари эхинококкози бўлган беморларни ташхислаш ва даволашда фойдаланиш мумкин. Касаллик кечиши оғирлигини баҳолайдиган баллар билан даволаш тактикасини танлашда таклиф этилган алгоритмни ҳисобга олиб минилапаротом ва миниторакотом кесимлардан эхинококкэктомия бажариш учун кўрсатмалар аниқланди. Бирламчи ва рецидив эхинококкоз асоратланган шаклларида фиброз капсулани олиб ташлаш билан радикал эхинококкэктомия учун кавитацион ультратовушли диссектор аспиратор амалиётга татбиқ этилиши орқали операция натижалари яхшиланди ва операциядан кейинги реабилитация даври қисқарди. Кесим танлашга комплекс ёндашув, қолдиқ бўшлиққа ишлов бериш ва бартараф этиш усулини, шунингдек профилактик кимётерапияни ҳисобга олган ҳолда қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзолари эхинококкози хирургик даво тактикасини танлаш алгоритмлари ишлаб чиқилди. Тавсия этилган асбобларни қўллаш йўли билан эхинококк кистаси таркибини эвакуация қилиш усули такомиллаштирилди – пункция учун такомиллаштирилган игна ва қорин бўшлиғига тарқалишини ва бузилиши хавфсиз қиз пуфакчалар ва паразит фрагментларини герметик ушлаши мумкин бўлган жарроҳлик қисқичи. Ишлаб чиқилган асбоб ёрдамида эхинококкэктомиядан сўнгги қолдиқ бўшлиқда яширин сафро оқмаларини аниқлаш усули амалиётга татбиқ этилди. Жигар эхинококкозининг қайталанишининг олдини олишда, токсик реакцияларда ёки жигар диффуз касалликлари фонида альбендазолни тавсия этилган миқдорини камайтириш имконияти тажрибада аниқланган. Беморларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий кундалик фаолиятига таъсир этувчи асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда, жигар эхинококкэктомияси бажарилган беморларнинг ҳаёт сифати даражасини баҳолаш учун шкала такомиллаштирилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзолари эхинококкози бўлган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик усулида даволашни яхшилаш бўйича илмий изланиш натижаларига кўра:

«Жигардан эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқни бартараф қилиш усули» ишлаб чиқилди (№ IAP 07427 15.06.2023). Жигардан эхинококкэктомиядан сўнг биологик ҳимоя ёстикчаларда қолдиқ бўшлиқни бартараф қилиш жигар тўқималари тортилишини хавфсизлик ёстикчалари орқали тақсимлашга ёрдам берди, уни боғлашда ҳаддан ташқари кучланишдан ҳимоя қилди ва аъзо йиртилиши хавфини камайтирган;

«жарроҳлик қисқичи» такомиллаштирилди (№ FAP 01499 22.05.2020). Тавсия этилган асбобни қўллаш орқали атроф тўқимага бирламчи элементлар тарқалиш хавфини олдини олиш орқали эхинококк кистасининг тарқибини хавфсиз эвакуация қилишга эришилган;

«Жигардан эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқда яширин сафро оқмаларини аниқлаш усули» ишлаб чиқилди (№ FAP 02198 23.01.2023). Тавсия этилган асбобни қўллаш орқали жигардан эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқдаги яширин сафро оқмаларини аниқлаш орқали операциядан кейинги эрта даврда сафро оқиши ва сафроли перитонит бартараф этилишига эришилган;

«Ўпка эхинококкози диагностикаси ва хирургик давоси» усулбий тавсияномаси (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 24 октябрдаги № 8н-р/1174-сон маълумотномаси) ва «Жигар эхинококкози диагностикаси ва хирургик давоси» усулбий тавсияномаси (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 24 октябрдаги № 8н-р/1175-сон маълумотномаси) тасдиқланган. Таклиф этилган тавсиялар қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзолари эхинококкозини жарроҳлик усулида даволаш тактикасини, қорин бўшлиғи ва кўкрак қафасига кириш йўлини танлаш, қолдиқ бўшлиғига ишлов бериш ва бартараф этишда, шунингдек, профилактик кимётерапияни комплекс ҳисобга олган ҳолда танлашни оптималлаштириш имконини берган;

Қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзолари эхинококкози билан оғриган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик усулида даволаш сифатини яхшилаш бўйича бажарилган диссертация ишидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникасида, Шаҳрисабз шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Ургут тумани тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 29 декабрдаги 8н-з/726-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини операция вақтидаги асоратлар частотасини 7,1% дан 2,1% гача, амалиётдан кейинги асоратлар частотасини 15,6% дан 4,7% гача ва касалликнинг қайталанишини 13,4% дан 2,8% гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий, шу жумладан, 8 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 35 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий

натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, шундан, 9 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 227 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблилиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларига асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги баён этилган, олинган натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган натижалари илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзолари эхинококкозини ташхислаш ва жарроҳлик даволаш усулларининг ривожланишига замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида эхинококкознинг муаммолари, этиопатогенези, даволаш ва ташхислашнинг замонавий усуллари, шунингдек, ушбу патология билан беморларни юритишнинг долзарб масалалари моҳиятини очиб берувчи адабиётлар шарҳи берилган.


Диссертациянинг **«Материалларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган текшириш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида материаллар ва текшириш усуллари баён этилиб, клиник материал, ҳамда клиник ва инструментал текшириш усулларига умумий тавсиф берилган. Тадқиқот асосини СамДТУ кўп тармоқли клиникасининг жарроҳлик бўлимига мурожаат қилиб келган, 638 нафар қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзолари эхинококкози билан беморлар ташкил этди. 638 нафар бемордан 328 (51,4%) нафарида жигар эхинококкози, 207 (32,4%) нафарида ўпка эхинококкози, 27 (4,2%) нафар беморда талоқ эхинококкози, ҳамда 13 (2,0%) нафар беморда эхинококкоз эркин қорин бўшлиғида жойлашганлиги аниқланди. 63 (9,9%) нафар беморда қўшма эхинококкоз аниқланди, яъни кисталар икки ва ундан ортиқ аъзоларда топилди. Улардан 29 (46,0%) нафарида жигар ва ўпка қўшма эхинококкози мавжуд бўлган бўлса, 22 (34,9%) нафарида жигар ва қорин бўшлиғи қўшма эхинококкози, 8 (12,7%) нафарида жигар ва талоқ қўшма эхинококкози, ҳамда яна 4 нафар беморда жигар, талоқ ва ўпка қўшма эхинококкози кузатилди. Қорин бўшлиғи ва кўкрак қафасида кисталарнинг жойлашуви иккала тадқиқот гуруҳларида деярли бир хил бўлган.

638 нафар бемордан 518 (81,2%) нафарида касаллик бирламчи аниқланган бўлса, 120 (18,8%) нафар беморда қайталанган эхинококкоз кузатилди. Кисталарнинг сони бўйича асосан якка паразитар киста билан беморлар устунлик қилди – 486 (76,2%) нафар. Кўп сонли паразитар кисталар 152 (23,8%) нафар беморларда топилди. Жигарда жойлашган кисталарнинг

диаметри 5 смдан 30 смгача, бир неча миллилитрдан 3 литргача суюқликка эга бўлиб, беморларнинг асосий қисмини (63,3%) 5 смдан 10 смгача кистага эга беморлар ташкил этди.

Асоратланган кисталар билан беморлар сони 244 (38,2%) нафар бўлди. Санаб ўтилган асоратлар структурасида ҳолатларнинг ярмида, 56 (8,8%) нафар беморда цистобилиар оқмалар аниқланди. Кистанинг йиринглаши 64 (10,0%) нафар беморда кузатилди. Операция вақтида, 145 (22,7%) ҳолатда цистобронхиал оқмалар аниқланди. Кистанинг жигар ичи сафро йўллариغا ёрилиши туфайли 6 (0,9%) нафар беморда механик сариклик кузатилди. 3 (0,5%) нафар беморда ўта оғир асорат бўлган кистанинг қорин бўшлиғига ёрилиши топилди.

Диссертациянинг «Эхинококкоз фиброз капсуласининг морфологияси ва жигар эхинококкозини қайталанишини олдини олишда альбендазол қўлланилиши самарадорлигини эксперимент-морфологик асослаш» деб номланган учинчи боби фиброз капсула қатламида яшовчи протосколекслар морфологияси ва ва уларга сколексоцид воситаларнинг таъсирига бағишланган. Эхинококкэктомия техникаси оптимал турини танлаш ҳақидаги савол ечими учун ва оператив даволаш радикал мезонларини аниқлашда паразитнинг яшовчи элементлари хитин қобикдан ташқарига миграция қилиш имкониятига эга эканлигини билиш асосан муҳим. Кисталарнинг экзоген везикуляцияга қодирлиги эхинококкоз қайталанишининг ривожланиши мумкинлигини камайтириш мақсадида тотал перицистэктомияга кўрсатмани кенгайтириш кераклигини билдиради. 1-расмда бизларда даволанган беморларнинг бирида фиброз капсула ва унинг атрофидаги жигар тўқимаси гистологик текшириш натижалари кўрсатилган. Гистологик препаратларнинг бир қатор серияларида протосколекслар нафақат перипаразитар бўшлиқда, балки фиброз капсуланинг қатламида, шунингдек киста атрофидаги жигар паренхимасида ҳам аниқланди.




1-расм. Эхинококк протосколекси: а – фиброз капсуланинг қатламида; б – кистани ўраб турган жигар паренхимасида (стрелкалар билан кўрсатилган). Гематоксилин – эозин билан бўйаш. 10×10 катталиқда

Тажрибада жигарда бирламчи доминант эхинококк кистасидан узок тўқималарда рақобатбардош бўлмаган, микроскопик идентификацияланадиган бошланғич микрокисталар аниқланиши мумкин, ўпкада эса макрокистадан узок жойлашган тўқималарда микрокисталар аниқланмайди, аниқланган ҳолда эса макрокистанинг доминантлик қилиш белгилари йўқ ва микрокисталар ўсиш қобилиятига эга эканлиги исботланди.


Макроскопик эхинококк кистасидан узок жойдаги ўпка тўқимаси бўлаклари гистологик кесими морфологик ўрганилганда жигар эхинококкозидан фарқли равишда эхинококк кистасининг бошланғич насл босқичи аниқланмади.

Бундан ташқари ушбу боб тажриба ҳайвонлари (32 кўйлар) ички аъзоларининг морфологик ўрганиш билан эхинококкознинг илк шаклларига турли миқдордаги альбендазол таъсирини ўрганишга бағишланган. Ультратовуш текшируви асосида барча ҳайвонлар жигарида эхинококкоз (ветеринар-мутахассислар иштирокида) ташхиси қўйилган.

Альбендазолнинг таъсирини аниқлаш мақсадида экспериментал текширувнинг биринчи босқичида кимётерапия олмаган кўйнинг жигар тўқимаси ўрганилган. Морфологик текшириш гематоксилин-эозин (Г-Э) билан бўялган жигарнинг кетма-кет кесмаларида ўтказилган. Барча ҳайвонлар жигарида янги ҳосил бўлган бошланғич кисталар топилди. Қолган ҳайвонлар препаратнинг турли миқдорларида (5, 10, 15 ва 20 мг/кг тана вазнига) 2 ва 3 ҳафта давомида альбендазол билан даволанди. 3 ҳафта давомида 5 мг/ кг тана вазнига альбендазол билан даволанган ҳайвонларнинг жигарини текширишда эмбрион кист деворлари микроскопик гомоген, бир хил даражада қалинлашган. Четлари бўйлаб лимфоид-гистиоцит хужайралардан иборат жуда кучли қобиқ ҳосил бўлган (2-расм). 2 ҳафта давомида тана оғирлигига 10 мг/кг миқдорда берилганда, жигар бўлаклари орасида аморф модда билан тўлган қават қават хитин пардали насл эхинококкоз пуфакчалари шаклланган. Улар орасида сколекслар кўриниб туради. Хитин пардасининг деворида шиш ва қаватланиш аниқланади (3-расм).




2-расм. 5 мг/кг дозада альбендазол қўлланилгандан кейин жигар. Г-Э бўяш. 10×20 катталиқда.




3-расм. 10 мг/кг дозада альбендазол қўлланилгандан кейин жигар. Г-Э бўяш. 10×10 катталиқда.

Альбендазолни 2 ҳафта мобайнида ҳайвон вазнига 15 мг/кг миқдорда қабул қилиш мобайнида жигарни микроскопик текшируви янги ҳосил бўлган эхинококк пуфакчаси қобиғи шишган ва деворлари бўшаганлигини кўрсатди. 10 мг/кг миқдорида пуфак девори четларида кузатилмайдиган лимфоид - гистоцитар инфилтратлар пайдо бўлади (4-расм). 20 мг/ кг миқдордаги альбендазол билан 2 ҳафта мобайнида даволанган қўйнинг жигарини микроскопик ўрганиш мобайнида, эхинококк янги қобиғининг чет соҳаларида сезиларли даражада лимфоид хужайра инфилтратлари билан бойитилганлиги аниқланган. Ҳосил бўлаётган киста бўшлиғи очилган, унда аморф масса мавжуд. Қобик деворлари бир хилда гомоген (5-расм).



4-расм. 15 мг/кг дозада альбендазол қўлланилгандан кейин жигар. Г-Э бўяш. 10×10 катталиқда.



5-расм. 20 мг/кг дозада альбендазол қўлланилгандан кейин жигар. Г-Э бўяш 10×19 катталиқда.

Кимётерапия курси бошланишига қадар, давомида ва охирида қон умумий тахлили, биокимёвий кўрсаткичлар ва коагулограмма текширилди. 5 мг/кг миқдордаги альбендазол билан даволашланган қўйларда қон тахлилида патологик ўзгаришлар кузатилмади. 10 ва 15 мг/кг миқдордаги альбендазол билан даволанган қўйлар қон биокимёвий кўрсаткичларида озроқ ўзгаришлар аниқланган. 20 мг/кг миқдорида биринчи ҳафтанинг охирида қонда ферментлар кўрсаткичи ўртача даражада ошган ва иккинчи ҳафтанинг охирида эса сезиларли даражада ошганлиги аниқланди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, жигарнинг асосий эхинококк кистасидан узоқ соҳаларида микроскопик тарзда аниқлаш мумкин бўлган бошланғич эхинококк микрокисталари аниқланди. Улар эмбриотик шаклланиш атрофида макрофаг хужайра реакцияси ёки сезиларли хужайра реакцияси мавжуд бўлмаган шаклланган ёки шаклланаётган хитин пардалар шаклида ифодаланган. Альбендазол билан 2 ҳафта давомида тана вазнига 10 мг/кг - юқори миқдорда ва 3 ҳафта тана вазнига 5 мг/кг паст миқдорда даволаш паразит янги кистаси атрофида пролифератив-продуктив хужайрали жавобни уйғонишига ва эхинококкнинг сколексига бостирувчи тарзда таъсир этган.

Диссертациянинг «Қорин бўшлиғи аъзолари эхинококкозини хирургик даволаш» деб номланган тўртинчи бобида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникасида қўлланиладиган тактик-техник ёнлашувларга бағишланган янгиликлар келтирилган. 2013

йилгача СамДТУ кўп тармоқли клиникасида қорин олд деворида анъанавий кенг кесимлардан фойдаланилар эди, бу кесимлар жарроҳга амалиётнинг асосий босқичларини бажаришда кескин енгиллик келтиради. Қорин бўшлиғи аъзолари ва ўпка қўшма эхинококкозида иккала таққослаш гуруҳларида эхинококкэктомияни биз ҳар доим алоҳида кесимлар 3-6 ҳафта оралиғида бажарилган. Кистанинг таркиби эвакуация қилинганидан сўнг имконияти борица фиброз капсулани кесиб олишга ҳаракат қилдик. Кейинги босқичда қолдиқ бўшлиқ гермицид билан ишлов берилди. 2005 йилдан 2012 йилгача операция ўтказган қиёслаш гуруҳидаги беморларда қолдиқ бўшлиқни ишлов беришда 2-5% эритмадаги формалин, шунингдек хона ҳароратидаги 100% глицериндан фойдаланилган.

Қолдиқ бўшлиққа ишлов берилганидан сўнг у сафро оқмалари борлигига текширилди ва улар аниқланганда Z-симон чоклар билан бартараф этилди. Айрим ҳолатларда операция вақтида сафро оқмалари аниқланмас эди, операциядан кейинги эрта даврда эса назорат найчасидан сафро оқишини, 1,5% ҳолатда эса сафроли перитонит кузатилган. Очиқ эхинококкэктомияларда кейинги босқич қолдиқ бўшлиқни бартараф этишни танлашга қаратилди. Очиқ усулда 225 та киста йўқ қилинган.

Қорин бўшлиғи аъзолари эхинококкози хирургиясида 2013 йилдан буён бизнинг клиникамизда ҳар бир бемор индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда «топик кичик кесим» ни кенг қўллаб келинмоқда. Даволаш натижаларига таъсир этувчи омиллар, махсус баллар шкаласи бўйича баҳоланган.


Асосий гуруҳдаги 233 нафар беморлардан, тўпланган баллар йиғиндиси 21дан 30 баллгача бўлган 142 (60,9%) нафарига ўрта ва қовурға ёйи остидан қийшиқ кенг кесим қўлланилган. Баллар йиғиндиси 11 дан 20 баллгача бўлган 80 (34,3%) нафар беморга эхинококкэктомия топик кичик кесим орқали бажарилди. 10 гача балл тўплаган беморларга эхинококкэктомия лапароскопик усулда режалаштирилди. Қорин бўшлиғидан лапароскопик эхинококкэктомия 18 (7,7%) нафар беморга режалаштирилган эди. Улардан 7 (38,9%) ҳолатда ҳар хил сабабларга кўра конверсияга ўтишга мажбур қилди, яъни эхинококкэктомия 3 нафар беморда кичик кесим ва 4 нафар бемор катта очиқ кесим билан эхинококкэктомия босқичлари бажарилган.

Умуман олганда, қиёслаш гуруҳида 78,3% ҳолатда кенг ўрта кесим бажарилди, 21,7% беморларда – кенг қовурға ёйи ости. Асосий гуруҳда эхинококкэктомия кенг лапаротом кесим билан 60,9% ҳолатда ва 39,1% ҳолатда эхинококкэктомия кам инвазив усуллар билан, хусусан кичик кесим орқали ва лапароскопик усул орқали мос равишда 34,3% ва 4,7% ҳолатларда. Гуруҳлар ўртасидаги фарқ юқори даражада аҳамиятли эканлиги исботланган $p < 0,001$ (6-расм).

Касаллик клиник кечиши ва қорин бўшлиғи аъзолари эхинококкозида хирургик тактикани танлаш учун дастур асосида биз томондан қорин бўшлиғи аъзолари эхинококкози билан оғриган беморларни олиб бориш оптимал даволаш-тактик алгоритми ишлаб чиқилди ва клиник амалиётга жорий этилган (7-расм).



6-расм. Қорин бўшлиғи аъзолари эхинококкозини хирургик даволашда кесим турлари



7-расм. Қорин бўшлиғи аъзолари эхинококкози билан оғриган беморларни олиб боришда даволаш – диагностика алгоритми

Топик кичик кесимда операция майдони бурчагини оширишга қаратилган муҳим инновацион ечим сифатида, биз томондан такомиллаштирилган операция жароҳатини кенгайтирадиган асбоб бўлди (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан фойдали модельга патент расмий рўйхатдан ўтган № FAP 01385, «Ярани

кенгайтирувчи асбоб»). Бу асбоб ёрдамида операция майдони ревизия қилиш имконияти ошди, киста енгил олинди, қолдиқ бўшлиққа ишлов бериш ва уни бартараф этиш қийинчиликлари кузатилмади (8-расм).

Асосий гуруҳдаги беморлар учун инновацион ечимлардан бири такомиллаштирилган «жарроҳлик қисқичи» асбобидир (9-расм) (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан фойдали модельга патент расмий рўйхатдан ўтган № FAP 01499, «Жарроҳлик қисқичи»), бири-бирига ёпишувчи тўғри ва қовариқ лайличаларидан иборат бўлиб, улар яқинлашганда кистанинг парчалар ва тўлиқ бола ёки набира кистачаларини маҳкам ушлаш ва гертемик тутишга қодир, уларни парчаланиши ва атрофдаги тўқималарга тарқалиши хавфсиз олиш имконини берди.

Операция вақтида жигардан эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқдаги яширин цистобилиар оқмаларни аниқлаш мақсадида биз оддий ва хавфси усулни қўладик. Бу усул қуйидагича амалга оширилди. Жигардан эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқ бурмаларини ёйиб тўғрилаш учун қолдиқ бўшлиққа махсус биз томондан ишлаб чиқилган воситани киритдик (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан фойдали модельга патент расмий рўйхатдан ўтган № FAP 01385, «Жигардан эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқда яширин сафро оқмаларини аниқлаш усули») (10-расм).



8-расм. Кичик кесим учун модификацияланган «Ярани кенгайтирувчи асбоб»



9-расм. «Жарроҳлик қисқичи» - эхинококкэктомия учун восита



А.

Б.

10-расм. Жигардан эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқ бурмаларини ёйиб тўғрилаш мақсадида таклиф этилган қурилма:

А – ёпик ҳолатда; Б – кенгайтирилган ҳолатда

Ушбу қурилма узунлиги 20 см гача бўлган дастагдан иборат, унинг учида эса диаметри 1 см гача бўлган эллипс шаклидаги пластина кенгайтиргичлар мавжуд, унинг узунлиги 12 см, кенлиги 0,7 см ни ташкил қилади. Дастаг босилганда унинг учидаги пластина кенгайтиргичлар кенгайиб сфера шаклини олади ва қолдиқ бўшлиқ бурмаларини ёйиб тўғрилайди.



2020 йилдан радикал эхинококкэктомия операциялари кавитацион ультратовушли диссектор аспиратор ёрдамида амалга оширилди. Ультратовушли диссектор – аспиратор Sonosa 300 ишлаш асосида ультратовуш ёрдамида паренхиматоз тўқималар селектив ишлов бериш таъминоти ётади. Бунда паренхиматоз тўқималар парчаланиб ва сўргич ёрдамида операция майдонидан йўқ қилинади. Ушбу асбоб ишловчи қисмининг конструктив хусусияти ҳисобига кавитация таъсирида тўқималарни парчалош, суюқлик етказиш ва тўқималар аспирацияси бир вақтда рўй беради, благодаря конструктивной особенности рабочего инструмента и аппарата (11-расм).

Амалиётга ультратовушли диссектор аспиратор кенг жорий қилинганидан сўнг имконият бўлганда тотал перицистэктомия (18,6%) ва идеал эхинококкэктомия (11,4%) операциялари тез-тез бажарилди, бу эса операциядан кейинги бевосита ва узок даврдаги натижаларга ижобий таъсир кўрсатди.

Идеал эхинококкэктомия ва тотал перицистэктомия операцияси бажарилган беморларга жигар жароҳат юзаси 10% альбендазол эритмасига шимдирилган гемостатик губка билан тампонада қилинди. Бу эса патологик учоққа дори воситаси билан узок вақт маҳаллий таъсир ўтказишга имкон берди. 0,9% 50 мл физиологик эритмада 10 $\mu\text{g}/\text{mL}$ концентрацияда бўлган альбендазол эритилиб 7x5x1 см ўлчамдаги стерил губкага шимдирилди.

Олиб борилган тадқиқот асосида муаллифлар қолдиқ бўшлиққа ишлов бериш алгоритмини таклиф этмоқда (12-расм). Юпқа деворли фиброз капсуласида қолдиқ бўшлиқни 60⁰С гача қиздирилган иссиқ глицерин билан ишлов бериш таклифи берилган. Қалин кальцинациялашган девор билан ёки йиринглаш билан асоратланган эски, ўлган эхинококк кисталарида имконияти борича идеал эхинококкэктомия ёки очиқ усулда эхинококкэктомия кейин эса тотал перицистэктомия ва кейинги босқичда

жигар жароҳат юзаси 10% альбендазол эритмасига шимдирилган гемостатик губка билан тампонада қилиш таклифи берилган.




11-расм. Ультратовушли диссектор аспиратор – SONOCA 300 ёрдамида жигар тўқимасидан кистани бутунлигича ажратиб олиш




12-расм. Қолдиқ бўшлиққа ишлов бериш усули

Очиқ усулдаги эхинококкэктомиядан сўнг 2013 йилдан жигардаги қолдиқ бўшлиқ чок чизиғи бўйлаб биологик ёстиқчаларни қуйиш билан ишлаб чиқилган усул ёрдамида бартараф этилади (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтирога патент расмий рўйхатдан ўтган № IAP 07427, «Жигардан эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқни бартараф этиш усули») (13-расм).




13-расм. Жигардан эхинококкэктмиядан сўнг қолдиқ бўшлиқни бартараф этиш учун таклиф этилган усул: А-М-симон чокларни қуйиш; Б – иплар тортилгандан сўнгги кўриниш



А.



Б.



В.



Г.

14-расм. Биологик ёстиқчаларда буралувчи чокларни қуйиш босқичлари

Биологик ёстикчаларда чокларни қўллаш афзаллиги шундаки, жигардан эхинококкэктомиядан сўнг биологик химоя ёстикчаларда қолдиқ бўшлиқни бартараф қилиш жигар тўқималари тортилишини хавфсизлик ёстикчалари орқали тақсимлашга ёрдам берди, уни боғлашда ҳаддан ташқари кучланишдан химоя қилди ва аъзо йиртилиши хавфини камайтиради (14-расм).

Қорин бўшлиғи аъзолари эхинококкози билан оғриган беморларни хирургик даволаш тактикасини танлашни такомиллаштириш, идеал эхинококкэктомияда ва тотал перицистэктомияда ультратовушли диссектор аспираторни қўллаш ва жигар жароҳат юзасини альбендазолга шимдирилган гемостик губка билан тампонада қилиш, шунингдек ушбу тадқиқот ишида ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган бошқа янгиликлар, ушбу тоифадаги беморларни олиб бориш бевосита натижаларига ижобий таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, 2005-2012 йй. билан солиштирганда интраоперацион асоратлар якка ҳолатларда кузатилди, масалан анафилактик шок, паренхиматоз қон кетиш, қиз пуфакчаларининг атроф тўқималарга тарқалиши. Интраоперацион асоратлар 7,1% дан 2,1% гача камайди, операциядан кейинги эрта даврдаги асоратлар 15,6% дан 4,7% гача камайди.

Диссертациянинг «**Ўпка эхинококкозини хирургик даволаш**» деб номланган бешинчи бобида ўпкадан эхинококкэктомия бажариш техник аспектларига бағишланган. Бу бобда шунингдек, даволашнинг бевосита натижаларига ижобий таъсир ўтказган ўпка эхинококкози хирургиясида таклиф этилган янгиликлар ёритилган.

Замонавий текшириш усулларининг топик диагностикадаги имкониятларини, кисталарнинг жойлашиши, сони ва ўлчамларини, шунингдек уларнинг хусусиятлари ва асоратларининг оғирлигини ҳамда бемор тана тузилишини ҳисобга олиб, 2013 йилдан ҳар бир беморга индивидуал кесим танланди.


Асосий гурҳдаги 129 нафар беморлар орасида 147та оператив аралашувлар бажарилди (18 нафар беморда иккала ўпкада эхинококк кисталари). Улардан йиғинди миқдорда 10 дан 24 баллгача тўплаган 77 (52,4%) нафар беморларга қовурғқлараро олдинги – ён ва ён кенг торакотомия кесими бажарилди. Улардан иккала ўпкада эхинококкоз бўлган 6 нафар беморга кенг лапаротомия 2-3 ой интервал билан икки марта босқичма – босқич бажарилди.

Асосий гуруҳдаги 70 (47,6%) нафар беморга миниторакотомия олдиндан режалаштирилган эди, улардан 6 (8,6%) ҳолатда миниторакотом жароҳат кенгайтирилди. Барча ҳолатларда конверсияга ўтишга сабаб, яхши ривожланган мушаклар қатлами бўлган нормостеник тана тузилишидаги беморларда адекват экспозицияга эриш мақсади бўлди.

Ўпкада эхинококк кистасининг жойлашиши топик верификацияси, кисталарнинг сони, уларнинг ўлчами, шунингдек хусусияти ва асоратлар борлигини ҳисобга оладиган касаллик кечиш оғирлик даражасини балларда баҳолаш дастури ва жароҳатни кенгайтириш учун ишлаб чиқилган модификацияланган кўрилмани қўллаш натижасида асосий гуруҳда

миниторакотом кесим орқали адекват эхинококкэктомия 43,5% ҳолатларда бажарилди, бу эса анъанавий кенг кесимлар частотасини 56,5% гача камайтирди (χ^2 мезони аҳамияти 213.345 ни ташкил қилди; эркин даража сони - 2; аҳамият даражаси $p < 0,001$), операция давомийлигини эса қиёслаш гуруҳидаги беморлар билан солиштирганда миниторакотом кесим орқали $92,3 \pm 5,2$ дан $63,5 \pm 1,8$ минутгача қисқарди, (t -мезон = 5,07; $p < 0,001$).

Касаллик клиник кечиши ва ўпка эхинококкозида хирургик тактикани танлаш учун дастур асосида биз томондан ўпка эхинококкози билан оғриган беморларни олиб бориш оптимал даволаш-тактик алгоритми ишлаб чиқилди ва клиник амалиётга жорий этилди (15-расм).




15-расм. Ўпка эхинококкозида кесимни танлаш учун алгоритм


Жигар эхинококкози билан оғриган беморларда қўлланилган барча инновацион янгиликлар ўпка эхинококкози амалиётига ҳам жорий қилинган.

Очиқ усулдаги эхинококкэктомиядан сўнг асосий гуруҳдаги беморларга 28,9% ҳолатда қолдиқ бўшлиқ В.Вахидов усулида бартараф этилди, 9,0% ҳолатда эхинококкэктомия Вишневский усулида бажарилди (16-расм).

Бундан ташқари қиёслаш гуруҳидаги беморларда қолдиқ бўшлиқни одатдаги усулда бартараф қилгандан сўнг қолдиқ бўшлиқ адекват гермитизацияга учрамаганлигини кузатдик, бунинг натижасида қолдиқ бўшлиқни бартараф этишнинг модификацияланган усулини ишлаб чиқдик. Бу усул қуйидагича амалга оширилади, қолдиқ бўшлиққа ишлов берилганидан сўнг ичкарига буралувчи чоклар билан бартараф этилди. Кейин эса «оёқчада» сақланган париетал плеврадан қироқ шахмат тартибида қолдиқ бўшлиқ бартараф этилган чоклар чизиғи устидан фиксация қилинди. Бунинг натижасида адекват гермитизацияга эришдик ва бронх – плевра алоқаси бартараф этилди (17-расм).



16-расм. Асосий гуруҳдаги беморларда ўпкадан эхинококкэктомия бажариш усуллари (Жами 166 та киста).



17-расм. Ўпкадан эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бۆшлиқни баргараф этиш учун таклиф этиладиган усул

